

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
МИНТАҚАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ



ҚЎЛДОШЕВА ДИЛНОЗА

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

МАВЗУ: ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ИЖТИМОЙ МУҲИТНИНГ ЎРНИ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Қ.Ф.АБДУЛЛАЕВ

катта ўқитувчи

РАСМИЙ ОППОНЕНТ:

Б.Ж.УМАРОВ

п.ф.н

Бухоро-2015 йил

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШГА
ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ**

Битирувчи: **Қўлдошева Дилноза**
(исми, фамилияси)

Мавзу: Шахсни шакллантиришда жтимоий муҳитнинг ўрни

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти: Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутди. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқни кафолатлайди.

2. Ишнинг таркибини баҳолаш: Малакавий битирув иш Кириш, 2 боб, 5 фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

3. Мавзуни баҳолаш ва унинг афзаллик томонларини курсатиш:

Битирув малакавий ишдада шахсни шакллантиришда ирсият, тарбия, фаолият билан бир қаторда ижтимоий муҳитнинг ўрни аниқ далиллар асосида ёритилганлиги диққатга сазовордир.

4. Ишда фойдаланилган адабиётларга баҳо беринг: Ишда мавзу мазмун-моҳиятини очиб берадиган 40 та илмий адабиётлардан фойдаланилган.

5.Хулоса ва таклифларнинг очиқлиги ва далилларнинг асосланганлиги: Битирув малакавий иш олдида қўйилган барча вазифалар мантиқий кетма-кетликда иш мазмунида ўз ечимини топган ва хулосада мужассамлаштирилган.

6. Ишдаги камчиликлар:Ишда баъзи орфографик камчиликлар учрайди

7. Муаллифнинг кайси таклифини амалиётга татбиқ этиш максадга мувофиқ : шахсни шаклланишида ижтимоий муҳитнинг шакл, усул, методлари бўйича берилган тавсиялардан амалий фаолият жараёнида фойдаланиш мумкин

8.Ишнинг қўйилган талаб даражасида мос келиши тўғрисида хулоса:

Битирув иши шундай ишлар олдида қўйилган барча талабларга жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман

9. Илмий раҳбарнинг (Ф.И.Ш.) иш жойи унвони:

Абдуллаев Қобилжон Файзуллаевич

Бухоро давлат университети педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

« _____ » _____ 2015 йил _____

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИГА ТАҚРИЗ

Битирувчи:

Қўлдошева Дилноза
(исми, фамилияси)

Мавзу: Шахсни шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг ўрни

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти: Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

2. Ишнинг таркибини баҳолаш: Иш Кириш, 2 боб, 5 фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

3. Мавзуни баҳолаш ва унинг афзаллик томонларини курсатиш:

Ишда шахс ривожланиши, индивид, индивидуаллик тушунчалари мазмуни, шахс тарбияси, камолоти, ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари, шахсни камол топширишда ирсият, тарбия ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари каби масалалар ёритилганлиги унинг қимматини оширган.

4. Ишда фойдаланилган адабиётларга баҳо беринг: Ишда мавзу мазмун-моҳиятини очиб берадиган 40 та илмий адабиётлардан фойдаланилган

5.Хулоса ва таклифларнинг очиқлиги ва далилларнинг асосланганлиги:

Малакавий битирув иш олдига қўйилган барча вазифалар мантиқий кетма-кетликда иш мазмунида ўз ечимини топган ва хулосада мужассамлаштирилган ҳамда аниқ далиллар орқали асосланган.

6. Ишдаги камчиликлар: Ишда баъзи ғализ жумлалар учрайди.

7. Муаллифнинг кайси таклифини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ: Марказий осие мутаффакирлари ижодида шахс камолотини шакллантириш фаслида берилган қарашлар ва ғоялардан синфдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида фойдаланиш мумкин.

8.Ишнинг қўйилган талаб даражасида мос келиши тўғрисида хулоса:

Битирув иши шундай ишлар олдига қўйилган барча талабларга жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман

9.Такризчининг (Ф.И.Ш.) иш жойи унвони:

Умаров Бахшулло Жўраевич

Педагогика фанлари номзоди, БухДУ педагогика кафедраси.

«_____» _____ 2015 йил _____

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИГА ТАШҚИ ТАҚРИЗ

Битирувчи:

Қўлдошева Дилноза
(исми, фамилияси)

Мавзу: Шахсни шакллантиришда ижтимоий муҳитнинг ўрни

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти: Одам ижтимоий мавжудот сифатидан шахсга айланиши учун унга ижтимоий - иқтисодий ҳаёт шароитлари муҳит ва тарбия керак бўлади. Ана шулар ҳамда шахснинг наслий хусусиятларининг такомиллашиб бориши одамнинг ривожланиши, шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Одам боласининг шахс сифатида ривожланишини, унинг ҳар томонлама камолга етиши учун педагогика фани шахс ривожланишининг умумий қонуниятларини, унга таъсир этадиган омилларни, ривожланиш жараёнига алоқадор босқичларни аниқлаши керак.

Мазкур битирув малакавий иш ана шундай долзарб масалага бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

2. Ишнинг таркибини баҳолаш: Иш Кириш, 2 боб, 5 фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

3. Мавзунинг баҳолаш ва унинг афзаллик томонларини курсатиш:

Ишда шахсни камол топширишда ирсият, тарбия ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари, шахс камолотида ижтимоий муҳитнинг ўрни, марказий осие мутаффақирлари асарларидаги шахс камолотини шакллантириш масалаларининг ёритилиши унинг қимматини оширишга хизмат қилган.

4. Ишда фойдаланилган адабиётларга баҳо беринг: Ишда мавзу мазмун-моҳиятини очиб берадиган 40 та илмий адабиётлардан фойдаланилган.

5. Хулоса ва таклифларнинг очиқлиги ва далилларнинг асосланганлиги: Малакавий битирув иш олдида қўйилган барча вазифалар мантиқий кетма-кетликда иш мазмунида ўз ечимини топган ва хулосада мужассамлаштирилган ҳамда аниқ далиллар орқали асосланган.

6. Ишдаги камчиликлар: баъзи сўзлар, атамалар мазмунига изоҳ бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

7. Ишнинг қўйилган талаб даражасида мос келиши тўғрисида хулоса

Битирув иши шундай ишлар олдида қўйилган барча талабларга жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман.

8. Тақризчининг (Ф.И.Ш.) иш жойи унвони

«_____» _____ 2015 йил _____

ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ МУҲИТНИНГ ЎРНИ

КИРИШ.....	6-7
1-БОБ. ЎҚУВЧИ ШАХСИ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ СИФАТИДА	
1.1 Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик.....	8-12
1.2 Шахс тарбияси, камолоти, ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари.....	13-32
2. ШАХСНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР	
2.1 Шахсни камол топширишда ирсият, тарбия ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги.....	33-37
2.2 Шахс камолотида ижтимоий муҳитнинг ўрни.....	38-42
2.3 Марказий осий мутаффақирлари ижодида шахс камолотини шакллантириш.....	43-49
ХУЛОСА.....	50-52
Фойдаланилган адабиётлар.....	53-55

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги:

Шахс тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёкарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

“Индивид” нима? Бола маълум ёшга қадар “индивид” саналади. Индивид (лотинча “individuum” сўздан олинган бўлиб, «бўлинмас», «алоҳида шахс», «ягона» маъноларини англатади) хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудотдир.

Индивидуаллик эса шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унинг намоён бўлиши тарбия жараёнини амалга оширишда бола шахсини пухта ўрганиш, унинг яшаш шароитларидан етарли даражада хабардор бўлиш ва уларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади. Индивидуал ёндашув ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари, билишга бўлган қизиқиш ҳамда истеъдодини намоён этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бола ҳаракатлари онгли, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки натижасида шакллана боради. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутади. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқни кафолатлайди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиш.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

Мавзуга оид илмий адабиётларни таҳлил қилиш орқали,

- Шахс ривожланиши, индивид, индивидуаллик тушунчалари мазмунини ёритиш;
- Шахс тарбияси, камолоти, ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;
- Шахсни камол топширишда ирсият, тарбия ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини аниқлаш;
- Шахс камолотида ижтимоий муҳитнинг ўрнини кўрсатиш;
- Марказий осие мутаффакирлари асарларидаги шахс камолотини Шакллантириш масалаларини ёритиш;

1.1 Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик.

Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланишнинг ўзи нима?

Ривожланиш шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган микдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, микдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қарашликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Чунки шахснинг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиаи ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим.

Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яхши билиш зарур.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

Дунёга келган гўдак маълум ёшга қадар индивид ҳисобланади. “Индивид” латинча “индивидуум” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бўлинмас”, “алоҳида”, “ягона” маъноларини англатади. Индивид биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудотдир.

Шахснинг шаклланишида ҳаракат ўзига хос омил саналади. Гўдак (чакалоқ) ҳам турли ҳаракатларни қилади. Бироқ, бу ҳаракатлар кейинчалик шартли рефлекслар бўлиб, онгли равишда эмас, балки шартсиз ва шартли кўзўатувчиларга жавоб тарзида юз беради.

Гўдакда нутқнинг ҳосил бўлиши, шунингдек, унинг томонидан ташкил этилаётган ҳаракатлар онгли равишда содир бўла бошланиши ва албатта, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштирокининг рўй бериши шахс шаклланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам-инсон индивиди шахсга айланмоўи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг хусусияти, қизиқиши, қобилияти, ақлий жиҳатдан ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи, меҳнат фаолиятига муносабати билан бошқалардан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, мазкур хусусиятлари ривожланиб маълум бир босқичга етсагина у камол топган шахс сифатида намоён бўлади. Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида қарор топади.

Шахснинг ривожланиши аввало унда шахсий хислатларнинг шаклланиши билан бошланади. Ривожланиши ўзида шахснинг жисмоний,

ақлий ва бошқа хислатларнинг такомиллини намоён этадиган жараён бўлиб, бундай хислатларнинг туўма, баъзилари кейинчалик эришган бўлади.

Шахс номини олиш учун нималар керак?- деган саволнинг туўилиши табиийдир. Одам ижтимоий мавжудот сифатидан шахсга айланиши учун унга ижтимоий - иқтисодий ҳаёт шароитлари муҳит ва тарбия керак бўлади. Ана шулар ҳамда шахснинг наслий хусусиятларининг такомиллашиб бориши одамнинг ривожланиши, шахс сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Одам боласининг шахс сифатида ривожланишини, унинг ҳар томонлама камолга етиши учун педагогика фани шахс ривожланишининг умумий қонуниятларини, унга таъсир этадиган омилларни, ривожланиш жараёнига алоқадор босқичларни аниқлаши керак. Шунингдек, бола шахсининг ривожланишида фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганиши лозим.

Биз юқорида “ривожланиш” тушунчасини жуда кўп ишлатдик. Энди ушбу тушунчага атрофлича ёндошиб, таъриф беришга ҳаракат қилайлик. Одам биологик мавжудот саналади, табиий, биологик ва ижтимоий қонуниятларга бевосита бўйсунди.

Бошқача қилиб айтганда, шахс, инсон тирик организмдир, шу сабабли унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига бўйсунди. Булардан ташқари одамнинг комил инсон бўлиб етишувида аниқ мақсад асосида ташкил этилган хатти-ҳаракат, ирода сифатларининг камол топиши асосида айрим нуқсонларнинг бартараф этилиши қийинчиликларни енгиб ўтишга бўлган ишончи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик жиҳатдан ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади.

Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия

мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Анатомик ва физиологик характердаги ўзгаришлар жисмоний ривожланишга тааллуқлидир. Одам бўйининг ўсиши, гавда оўирлигининг ортиб бориши, гавда тузилишининг ўзгариши, қон босими, ўпка сиўими, таянч-ҳаракат апаратининг ҳолати ва бошқалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидир.

Руҳий жараёнлар ва бола руҳиятидаги ўзгаришлар, чунончи, диққат ва хотира даражаси, тафаккур хусусиятлари, сўз бойлиги ҳамда нутқнинг ривожланганлик даражаси ва бошқалар руҳий ривожланишга тааллуқлидир.

Шахс ривожланишида у ёки бу фаолият турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар)нинг турли ёшдаги фаолиятлар мазмуни (мақсадга йўналтирилганлик, ҳаракатнинг онгли, режали бўлиши, уларнинг самарадорлиги ва х.к) шунингдек, алоқа, муомала ҳамда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мазмуни, ижтимоий-ахлоқий меъёрларга бўйсунуш, ижтимоий бурчни англаш, унга нисбатан масъуллик каби хусусиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шахснинг шаклланишида шахсий хислат ва сифатларнинг ривожланиб, тараққий этиб бориши муҳим ўрин тутди. Шахс сифатларини тўғри аниқлаш учун турли муносабатлар жараёнида уни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда таълим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлоди тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳа сифатида намоён бўлаётган экан, шахс таърифи ҳам бирмунча ойдинлашади. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмига кирган "шахс" қуйидагича таърифланади:

Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

Демак, шахс - ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, онгли фаолият билан шуғулланувчи ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда ўз ўрни бор.

Шахснинг ривожланиши эса барча туғма ва ҳосил қилинган хусусиятлар: организмнинг анатомик тузилиши, физиологик ва психологик хусусиятлар, фаолият ва хатти-ҳаракатнинг миқдорий ва сифати ўзгариш жараёнидир.

1.2 Шахс тарбияси, камолоти, ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари

Фанда одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмоқда.

Инсоннинг шахс сифатида ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими? Ёки табiiй омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабати қандай?

Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотел, Платонлар табiiй-биологик омилларни юқори қўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, дейдилар.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намояндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади.

Хориж психологиясидаги яна бир оҳим – бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намояндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайкдир.

Прогматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюл, А.Комбе ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назарда асослайдилар. Улар ривожланишни фаҳат микдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайдилар. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб биладилар.

Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайдилар.

Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитга боғлиқ деб кўрсатадилар.

Муҳит деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади. Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади.

Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий тузум маҳсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Файласуфлар шахсни табиатнинг бир бўлаги деб баҳолайдилар. Бу инсондаги лаёқат куртаклари бўлиб, унинг ривожланиши учун тарбия керак, деган ғояни ифодалайди.

Жамият тараққиёти шахс ривожланиши учун кенг имкониятларни яратади. Демак, шахс билан жамият ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд.

Шундай қилиб, одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит, инсон ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан ҳаёти ва ўз табиатини ўзгартиради.

Шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳам муҳим. Бу тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Яъни,

Биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бу тарбия доимий ва узлуксиздир.

Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари. Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади.

Болаларнинг тарбиясига тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмнинг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида турлича бўлади. Абу Али Ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлонийлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтганлар.

Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, сушт фикр юритиши, ҳовлиқма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат

ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йиғинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши, қобилияти кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, ўқитувчи ёки тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал – ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. «temperamentum» «қисмларнинг бир-бирига муносабати» маъносини англатиб, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Шунингдек, турли ёш даврларининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Масалан, 5-синф ўқувчилари билан 10-синф ўқувчисини тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун боланинг жисмоний ва психик камолоти қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Гўдаклик даври – чақалоқлик (1 ой) даври тугагандан то бир ёшгача бўлган давр.
2. Боғчагача бўлган ёш даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.
3. Мактабгача таълим ёши – 3 ёшдан 7 ёшгача.
4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар –7-11-12 ёшгача.
5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) 14-15 ёш.
6. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари (ўспиринлар) – 16-18 ёш.

Кичик мактаб ёшида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Бу жуда қийин ўтиш даври бўлиб, боланинг бўйи, оғирлиги жиҳатдан унинг ташқи кўриниши кам фарқ қилади. Суяклари қотмагани туфайли тез шикастланади. Мускуллари тез ўсиши туфайли серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади.

Жисмоний ўсишига хос бу хусусиятлар тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Болалар қизиқишини қаноатлантирувчи қизиқарли учрашув, сайр ва томоша ва экскурсияларни ташкил этиш зарур. Мазкур ёш даври ўқувчиларига эмоционаллик хос, уларнинг фикрлаши образли бўлади, ҳис-

туйғулари мазмуни ўзгаради. Улар одамлар билан алоқа қилишга қизиқадилар.

Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик 12-15 ёш). Ўсмирликнинг мураккаблиги анатомик-физиологик ва психологик хусусиятдаги кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир. Боланинг ўсиши тезлашади. Бу даврни ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда жинсий етилиш даври бошланади. Бу боланинг феъл-атворида таъсир этади. Ўсмир ҳаётида меҳнат, ўйин, спорт ва жамоат ишлари катта рол ўйнайди. Баъзиларининг ўзлаштириши пасаяди, интизоми бўшашади.

Ҳозирги давр ўсмирларининг руҳиятида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Интеллектуал ривожланиш – тафаккур қобилияти, ақлий фаолиятни юқори савияда ташкил этишни талаб этади, билишга қизиқиши ортади. Бу даврда тўғараклар, студия, секция, турли тадбирлар ўтказиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг китоб ўқишга қизиқиши ортади.

2. Ўз-ўзини англаш, баҳолаш, тарбиялаш шаклланади. У ўзини бошқалар билан солиштира бошлайди.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда ўсмир характерида мураккаб қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлади. Бу ўсмир фаолияти, ҳуқида янги хислатлар – ёш хусусиятнинг янгидан бошланиши саналади.

Лекин ўсмирларнинг ҳаммасида ҳам билишга қизиқиш даражаси юқори эмас. 38 фоиз ўсмир ҳеч қайси ўқув фанларини ўқишга қизиқмайди. Бошқаларининг учта ёки иккита ўқув фани, аксарият ҳолатларда эса битта ўқув фанига қизиқиши аниқланган. Кичик ёшдаги ўсмирлар қизиқиши ўқитувига боғлиқ. Лекин уларнинг қизиқишлари, шунингдек, китоб ўқишлари ҳам барқарор эмас.

Турли тўғаракларга 21 фоиз ўсмир қатнашади, қолганлари спорт ёки мусиқа билан шуғулланади. 40 фоиз ўқувчида синфдан ташқари ишларда қатнашишда ҳам барқарорлик йўқ.

Энг муҳим қизиқиш – телеэшиттиришларга қаратилган. ТВни ҳар куни 88 фоиз ўсмир томоша қилади.

Улар оддий кунни ўз ихтиёрлари билан қандай ўтказадилар, деган саволга жавоб топиш учун ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни кайд этди: 85 фоиз ўсмир вақтини ўз ҳолича ўтказди, 70 фоизи кино ёки телевизор кўради, 50 фоизи спорт билан шуғулланади, 45 фоизи ухлаб ёки ётиб дам олади. Шунингдек, ёмон баҳо олмаслик учун мактабга бордиган ўсмирларнинг сони 15 фоизни ташкил этади.

Ўсмирларда бирор нарсага эришишга нисбатан талаб ривожланади. Улар томонидан ижтимоий талабларнинг бажарилиши асаб тизимининг ривожланишига таъсир этади. Шунинг учун мактаб ҳаёти “қийин” вазифаларга тўлиқ бўлади.

Бу ёшда ўсмирлар катталар олдида ўзининг эркинлигини намоёиш этишга ҳаракат қилади. Ўз-ўзини тарбиялашга бўлган талаб ўсади. “Дангаса”, “қўпол”, “безътибор”, “қобилятсиз” деган катталарнинг баҳоларини улар оғриниб қабул қиладилар.

Ўсмир ёшида ўғил ва қиз болалар ўртасида фарқ кучаяди. VII синфдан интеллектуал малакалар пасаяди. Шунинг учун бу даврда болалар ривожланишига катта эътибор бериш лозим.

Ўз-ўзини тарбиялаш натижасида ўғил болалар кучли, эркин, эътиборли, жасур; қизлар эса – ўта кўниқувчан, камтар ва жиддий бўла бошлайдилар.

Шунинг учун ўсмирга ўз вақтини режалаштиришда ёрдам бериш зарур. 13-14 ёшгача ўсмирда бурч ҳисси, масъулиятни ҳис этиш, вазминлик пайдо бўла бошлайди. Муҳими, ўсмир шахсини ҳурмат ҳилиш, камситмаслик, катта бўлиб қолганлигини тан олиш зарур.

Катта мактаб ёши – коллеж, лицей ўқувчилари (ўспиринлик даври 15-18 ёш). Бу давр ўспиринларнинг илк балоғатга етган давридир. Мазкур даврда жинсий етилиш тугайди. Уларда мустақиллик сезила бошлайди. Ўспирин ёшлар ҳаётга келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Маданий даражасини орттиришга интилиш кучая боради. ҳис-туйғуларида ҳам ўзгариш юз беради. Ўз-ўзларини тарбиялашга киришадилар. Идеал

танлаш ва унга эргашиш кучаяди. Бу даврда улар ўртасида мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради. Ўспиринлар ўз гуруҳига интилади. Шунинг учун ҳам ўспириннинг барча интилишлари маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Уларда ўқув фанларини танлашга нисбатан эҳтиёж кучая боради.

Ўспиринлик бу ахлий фаолиятнинг ҳам ривожланиш даври саналади. Улар ўз фикрларини мустақил ифодалашга ҳаракат қилиб, шахслик хислатларини намойиш эта бошлайдилар. Шунда ўқитувчилар ва катта ёшлар уларнинг ҳали ёр фикрлари ва дунёқарашларини тўғри йўналтиришлари муҳим. Зеро, бу даврда ўз-ўзини англаш, маънавий-ахлоқий, ижтимоий хислатлари тез шаклланади.

Бунга унинг фаолияти, жамоада ва жамоат жойларида ўзини тутиши, одамлар билан тез мулоқотга киришиши ҳам туртки бўлади. Ўзини катталардек ҳис этиш, ўзига хослигини намоён этиш, бошқаларнинг диққатини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Ахлоқий муаммоларни ўз қарашлари нуқтаи назаридан ҳал эта бошлайди. Ҳаёт моҳияти, бахт, бурч, шахс эркинлигини ўз қизиқишлари билан ўлчайдилар. Шу боис уларга катта ёшларнинг беғараз, тўғри йўналиш беришлари ўта муҳим.

Мазкур даврда ёшлар ҳулки ҳам таркиб топа бошлайди. Бунда шахснинг жамоадаги мавқеи, жамоа шахслари билан муомала-мулоқоти муҳимдир.

Албатта, бу борада таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсири катта аҳамиятга эга. Чунки ўспирин-ёшлар мустақил ҳаёт оstonасида бўлиб, уларнинг бу ҳаётга тўғри қадам қўйиши унинг жамиятнинг фаол фуқароси бўлишининг муҳим шартидир.

Шахснинг шаклланишида унга берилаётган таълим-тарбиянинг мазмуни, методлари ва воситалари боланнинг ёш хусусиятларига мувофиқ келиши муҳим саналади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг руҳий хусусиятларини билиши, маълум ёшдаги ўқувчиларнинг диққат хотира, тафаккур лаёқатларини инобатга олиши асосида фаолият ташкил этиши лозим.

Шахснинг ақлий ва жисмоний камолотида доимо илгарига қараб ривожланиш рўй беради. Боланинг жисмоний ва руҳий камолоти қарор топиб борар экан, бир қанча босқичларни босиб ўтади.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма босқичида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. тарбия жараёнида ўсаётган авлоднинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда зарур. Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари, психик жараёнлари мавжуд.

Бу ўзига хослик ривожланиш жараёнида яққол намоён бўлади. ёш хусусиятларни ҳисобга олиш, бола хусусиятига мослашиш эмас, балки шу ёш даврида бола имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия ишларини ташкил этиш демакдир. Шундагина шахс ривожланишига тарбиянинг таъсири самарали бўлади.

Тиббиёт, одам анатомияси, ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси, психология ҳамда педагогика фанлари асосларига кўра боланинг ёш даврларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин

Ёш давлари

Гўдаклик даври (туғилга нда бир ёшгача бўлган давр)	Ясли даври (1 ёшдан 3 ёшгача)	Мактабга ча тарбия ёши (3 ёшдан 6-7 ёшгача)	Кичик мактаб ёши (6-7 ёшдан 11-12 ёшгача)	Ўсмирлик даври (12-15-16 ёшгача)	Ўспиринл ик даври (15-16 ёшдан 18 ёшгача)
---	---	--	--	---	---

Ёш давлари шартли равишда гуруҳланади. Унда муайян ёш даврнинг бошқасидан ажратадиган чегара йўқ. Ёш давларининг гуруҳланиши боланинг ривожланиш хусусиятларидаги ўзгаришларга қараб ажратилади. Қуйида ёш давларига қисқача таъриф бериб ўтамиз.

Гўдаклик даври. Янги туўилган болада барча сезги турлари мавжуд бўлади. Ушбу сезгилар мураккаб бўлмай, оддий ҳолатдадир. Чақалоқ бир ҳолат фаол бўлиб, бу фаоллик аввало, қўл-оёқларнинг рефлекс йўли билан ҳаракатланиб туришида кўринади. Худди шундай рефлекс ҳаракатчанлик боланинг чинқирикларида ҳам намоён бўлади. Болада вужудга келадиган шартли рефлекслар 5-6 ҳафталарда яққол намоён бўла бошлайди. Масалан, у онасининг овозини танийди, уни эшитса тинчланади. Бегона одамларни “ёқтирмай” безовталанади.

Гўдаклик даврида бола бирмунча тажриба тўплаши билан унинг идрок ва тасаввурлари таркиб топа бошлайди. Одатда, беш-олти ойлик бола

ўтирадиган бўлади, сўнгра эмаклаб, тик юришга ҳаракат қила бошлайди, бирикки ёшда кадам қўйиб юра бошлайди.

Бола ярим ёшдан ошгач, “ўўлдираб” сўзлайди ҳамда атрофдагиларнинг гапларини тушуна бошлайди ва унда аста-секин пассив нутқ ўсади, икки ёшга кадам қўйгач, фаол нутқни ўзлаштириб, гапира бошлайди. Нутқ ва тафаккурнинг ўсиши билан боланинг атрофдаги кишилар билан муносабати мураккаблашиб, ўзига хос мазмунга эга бўла бошлайди. Ушбу ҳолат бола руҳиятининг ўсишига ёрдам беради. Ясли даврига қадар бола аниқ гапирадиган ва ўзи мустақил юра оладиган бўлади. Шунингдек, боланинг ҳаракатчанлиги, тафаккур ва нутқи зўр бериб тараккий этади. Бу даврдаги бола тафаккури “предмет тафаккури” бўлиб, у ўзи идрок қилган, кўрган нарсалар ҳақида фикр юритади. Унинг тафаккури предметлар муносабатида кўринади.

Сўз юритилаётган даврда боланинг ҳиссий кечинмалари юзага кела бошлайди. Дастлаб таъм билиш ҳамда тери сезгилари орқали қабулларга нисбатан органик ҳислар намоён бўлади. Кейинчалик эҳтиёж, эрқаланиш ва яқинларига меҳрибонлик сезгилари, ўзабланиш, кўрқиш ҳамда завқланиш каби сезгилар намоён бўла бошлайди.

Мактабгача тарбия даври. Ушбу ёшдаги боланинг эмоционаллиги (ҳиссий берилувчанлиги) унинг фаоллигида, ҳаракатчанлигида кўринади. Бу ёш даврида болалар ҳаётида ўйин ўзига хос ўрин тутди, ўйинлар асосан катта ёшдаги кишилар ёки болаларнинг ҳаракатларига нисбатан тақлиддан иборат бўлади. Бола ўйиннинг мазмунидан кўра ўйналаётган буюмлар (ўйинчоқ ва қўўирчоқлар) ҳамда ўзининг ҳаракатлари кўпроқ, завқлантиради.

Мазкур ёш даврида бола фаолиятида ихтиёрсиз фаоллик билан бир қаторда ихтиёрий диққат ҳам ўса бошлайди. Бу давр бола “мен” лигининг вужудга келиши билан ҳам характерлидир. У теварак - атрофдаги болалар билан ўзини солиштиради, ўзининг улардан устун жиҳатларини ахтара

бошлайди. Бундай ҳолатлар унинг “менинг ўзим” сўзини кенг қўллашда сезилади.

Олти ёшга қадар бола дунёни ижтимоий борлиқни тўлалигача идрок этади. Унинг атрофдагилар билан муносабат доираси кенгайиб боради. Бу эса унинг нутқи ва тафаккурини янада ўстиради. Муносабатлар доирасининг кенгайиб бориши унга тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятини оширади.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури аниқ тафаккур бўлиб, у нималарни идрок этса ёки тасаввур қилса, ўша нарсалар хақида фикр юритади. Шу боис бола учун мавҳум воқеа-ҳодисаларга нисбатан қиёслаб тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Атрофдагилар билан муомалада бўлиш асосида болада маънавий қараш шаклланади, эндиликда улар турли ҳаракатларни “яхши”, “ёмон” дея баҳолаб борадилар.

Бу даврда бола ҳаётида ўйин билан бирга фаолиятнинг бошқа турлари ҳам аҳамиятли бўлиб боради, дастлабки меҳнат кўникмалари ҳосил бўлади: расм чизади, лойдан, қумдан шакллар ясайди, картон ва айрим табиий материаллардан турли буюмлар ясайди. Шунингдек, улар катталар томонидан берилган оддий топшириқларни бажариб борадилар. Уларни кучлари етадиган ишларга жалб қилиш яхши самара беради.

Кичик мактаб ёши, 7 ёшга тўлган бола (ушбу ёш қатор мутафаккирлар томонидан дастлабки “етуклик ёши” сифатида эътироф этилган) жисмоний ва руҳий хусусиятларга кўра мактабда таълим олишга тўла тайёрдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонунига мувофиқ республикамиздаги болаларнинг барчаси 6-7 ёшдан бошлаб, умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил ола бошлайди. Шу даврга қадар бола ҳаётида муҳим ўрин тутган ўйин фаолияти ўз ўрнини тизимли, узлуксиз равишда амалга ошириладиган ва мажбурий вақт асосида ташкил қилинадиган ўқиш фаолиятига бўшатиб беради. Ёш бола учун бундай

“масъулиятли меҳнат” га ўтиш қийин кечса-да, у аста-секин бундай шароитга кўника боради.

Кичик мактаб ёши ўқувчилари ижтимоий борлиқ ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлсалар ҳам рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини билишга қизиқади. Мактабда ташкил этилаётган таълим жараёни боланинг ақлий фаолияти учун зарур бўлган фазилатларнинг таркиб топишини таъминлайди.

Кичик мактаб ёши ўқувчилари жисмоний жиҳатдан бир маромда ўсадилар, ўйил ва қиз болалар гавда тузилиши жиҳатидан бир-бирларидан деярли фарқ қилмайдилар. Уларнинг бўйи ўртача 120 см, оғирлиги 22 кг атрофида бўлади. Суякларда тоўайлик ҳолати устун. Найсимон илик суяклари асосан энига ўсади, тузилиши такомиллашиб боради ва 12 ёшда бу суяклар катталарникидай қиёфага эга бўлади. Лекин бўйинлар, умуртқа поёнаси, тос суяклари ҳали эластик ҳолатда бўлади.

Кўкрак қафаси ва умуртқа поёнаси суяклари етарлича қотмаганлиги туфайли улар тез шикастланиши мумкин. Уларда мускул пайлари ва бўйинлар тез ривожланади. Мускул кучининг ортиб бориши туфайли бу даврда ўқувчилар ўоят ҳаракатчан бўлишади.

Кичик мактаб ўқувчиларининг бош мияси тез ўсиб бориб, унинг тузилишида ўзгаришлар рўй беради. Уларда ўпка ривожланган, лекин нафас йўли ҳамда диафрагма бўш ривожланган бўлади, шу туфайли кичик ёшдаги ўқувчилар кўп вақт ҳаракатсиз қолсалар, организмнинг кислород билан таъминланиши ёмонлашади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг юраги, қон айланиш тизими ва нафас олиш органлари ўсишда давом этади. Уларнинг юраги ўзидан катталарникига нисбатан икки марта кўп қон ишлаб чиқаради. Шу боис, уларнинг юрак уриши тез бўлиб, ҳар дақиқада 90-92 мартага етади. Ўоннинг таркибида оқ қон таначалари кўп бўлади.

Жисмоний ўсишнинг бу каби хусусиятлари кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўқитувчилар томонидан эҳтиёткорона ёндошувни талаб қилади. Уларни асабийлашишдан сақлаш лозим. Бу ёшдаги ўқувчилар кўпроқ ҳаракат қилишлари, очик ҳавода бўлишлари, етарли даражада дам олишлари, ухлашлари талаб этилади. Атрофдагилар бунинг учун ўамхўрлик қилишлари лозим. Уларнинг стол атрофида, партада тўўри ўтиришларига, ўринда текис (ўрин юмшоқ бўлмагани маъкул) ётишларига, қоматини тик тутиб юришларига эътиборли бўлишлари керак. Ўйин вақтида қалтис ҳаракат қилишдан уларни сақлаш зарур.

Кичик мактаб ўқувчиларида ихтиёрий диққат, хотира ва идрок, тафаккур, ихтиёрий идрок қилиш, нутқ, ҳис-туйўу, ирода каби руҳий жараёнлар, ривожланади. Шу боис, улар билим олишга ва ўрганишга интилувчан бўладилар. Атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг барчаси уларни қизиқтиради. Ўқитувчи уларнинг қизиқишларини қондиришга ҳаракат қилишлари ва шу асосда ушбу қизиқишларни ривожлантириб боришлари керак.

Кичик мактаб ёши ўқувчилари учун энг идеал шахс – ўқитувчи бўлиб, болалар уларнинг талабларини сидқидилдан бажаришга уринадилар. Улар орасида ўқитувчининг обрўси ўз ота-онаси обрўсидан ҳам баланд бўлади.

Кичик мактаб ёши ўқувчиларининг фикрлаши образли бўлади. Шу боис уларга киноя, кесатиш ҳамда қочириқли гапларни гапириш самара бермайди. Ўқитиш кўргазмали қуроллар, воситалар ёрдамида ташкил этилиши керак. Материални тушунтиришда унинг образли, ифодали бўлишига эришиши лозим. Уларнинг кайфиятига ўқишдаги ютуқлари, олган баҳолари шунингдек, амалга оширган ижобий ишлари таъсир қилади. Шу боис, ўқитувчи томонидан унга берилаётган эътибор алоҳида қийматга эга. Унинг ҳар бир ҳаракати ўқитувчининг эътирозига сабабчи бўлса, унда ўқиш истаги йўқолади. Мактаб таълимидан кўнгли совийди. Ўқитувчидан кўрққанидан ёлўон гапира бошлайди. Бу ҳол доимий такрорланаверса, кўрққоқлик ва

ёлўончилик унинг асосий хислати бўлиб қолади. Ўқитувчи танбеҳи оқилона бўлиб, бола шаънини ерга урмаслиги, шахсини камситмаслиги керак.

Кичик мактаб ёшидан ўтгач, ўсмирлик даври бошланади. Бунда бола шахси ривожланишининг мураккаб даври бошланиб, у ўтиш даври деб аталади. Ўтиш даври болаликдан балоўат даврига ўтишни ифодалайди. Ўсмирлик ёшининг мураккаблиги унинг анатомик-физиологик ва психологик хусусиятида рўй бераётган кучли ўзгаришлар билан боўлиқ.

Ўсмирлик ёшида жисмоний жиҳатдан секин ўсиш даври тугайди. Жисмоний ўсиш тезлашади. Ўсмирлар 3-4 йил ичида 20-25 см ўсадилар (қизларни ўсиши 18-25, ўўил болалар 25-30 см ни ташкил этади). Бўйига ўсиш илик суякларининг узайиши ва умуртқа суягининг катталашиши ҳисобига рўй беради, аммо илик суякларининг охирги қисмларида ҳам тоўайлик ҳолати устун бўлиб туради. Шу сабабли уларга жисмоний топшириқлар беришда гоҳида бу ҳолат инобатга олиниши керак. Ушбу ҳолат туфайли ўсмирнинг қадди-бастаи бесўнақай кўринади. Ўз навбатида суякнинг тез ўсиши, мускуллар ривожининг ортда қолиши сабабли ўсмир баланд, оёқ-қўли узун, озўиндай кўринади. Бу эса унинг юришига, гавда тутишига таъсир этади.

Ўсмирнинг кўкрак қафаси ҳам бўйига нисбатан секин ўсади. Шу сабабли кўпчилик ўсмирларнинг кўкрак қафаси тор бўлади. Бу ҳолат организмнинг кислород билан тўйинишига тўсқинлик қилади. Таълим-тарбия жараёнида мазкур ҳолатни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Қон айланишида ҳам катта ўзгаришлар юз бериб, юрак ҳажми ортади, аммо қон томирларининг ривожи бир оз ортда қолади.

Ўсмирлик ёшида жинсий етилиш даври бошланади. Уларда аёллик ва эркекликнинг ташқи белгилари (овознинг дўриллаши, мўйловнинг сабза уриши, кўкрак қафаси ва кўкрак безларининг шакли, ўўил ва қиз боланинг нафас олишидаги тафовут) пайдо бўла бошлайди. Ўзгаришлар таъсирида рўй берган эротик сезгилар уларни ташвишга солади. Буларнинг барчаси ички ва ташқи тафовутларни кучайтиради. Организмдаги ўзгаришлар ўсмирнинг

атрофдагилар билан муносабати мазмунига таъсир этади. Ўсмир табиати тундлаша боради, кайфияти тез ўзгаради. Уйда оила аъзолари даврасида эса ўзини эркин сезади. Шу боис кўпроқ улар билан бўлишни истайди.

Ўсмирнинг фаолиятида ўқиш муҳим ўрин тутади. Ўқиш ишга айланиб қолганлиги учун талабларнинг ортиб бораётганлигига ўсмир бефарқ муносабатда бўлади. Фанларни ўзлаштиришда қисман “пастлашиш” ҳолати кузатилади. Аммо мустақил топшириқларни бажаришда фаол бўлади.

Ўсмир интизомида салбий ҳолатлар кўрина бошлайди. Бу ҳол унинг мустақил бўлишга интилиши асосида юзага келади. Агар ўқитувчи ўқувчи хусусиятини яхши билмаса, қўйилаётган талабларда бирлик, яқинлик бўлмаса ҳамда улар асослаб берилмаса, ўсмир ҳулқида катталарга бўйсунмаслик каби салбий хусусиятлар қарор топади ва унинг хатти-ҳаракатида бу хусусиятлар кўринади.

Ўсмир ўқувчининг эътиборини ўқишдан ташқари ишларни ўзига жалб қилади. Ўсмирда муайян йўналишга эга ҳаракатли ўйинлар қизиқиш уйўтади. Бу ҳилдаги ишларда у ўзининг шахсий сифатларини намойиш қилиш имконига эга бўлади.

Жамоат ишларига ўсмирларни фаол жалб этиш уларда ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик каби фазилатларни шакллантиради. Ўсмир учун тенгдошларининг эътибори, жамоанинг фикри унга ота-она ва ўқитувчи фикридан ҳам кўпроқ таъсир қилади. Шунинг учун у тенгдошлари ўртасида обрў орттиришга, лидерликка интилади. Агар у ўзини ўқиш ва жамоа ишларида кўрсата олмаса ёмон ҳулқли ўқувчи бўлиб танилишига ҳам рози. Бу эса аксарият ҳолларда ўсмирни “крименоган” микромуҳитга томон етаклаб боради. Бу каби ҳолатларни олдини олишда энг тўўри йўл ҳар бир ўсмир учун ўз кучи ва имкониятларига лойиқ жамоа топшириғини берилишидир. Шундагина ўсмир жамоа учун кераклилигини англайди.

Ўсмирда ҳис-туйғуларни идора қилиш лаёқати энди-энди шакллана боради. Бу унинг ҳулқида намоён бўлади. Ўзининг ҳар нарсага жаҳли

чиқиши, қўполлик ҳолатлари тез-тез юз беради. Ўсмирларнинг бу хусусияти кўпроқ баҳс-мунозара жараёнида кўзга ташланади. Гарчи, ўз фикри асосли бўлмаса-да уни маъқуллашга уринади.

13-14 ёшларда ўсмирларда бурч ҳисси, масъулият туйғуси ўсади, бирмунча вазминлик пайдо бўла бошлайди. Бу даврда ўсмирда мақсадга интилиш, ўзи учун идеал танлаш вужудга келади. Ўсмирларда ахлокий эътиқод шаклланиб, ўзига хос қарашлар таркиб топа боради.

Демак, ўсмир билан муносабатда сабр-тоқат, вазминлик зарур. Унга мустақиллик бериш, буйруқ эмас, аксинча, маслаҳат бериш бу ёшдаги ўқувчиларни тўғри тарбиялашнинг гаровидир.

Ўспиринлик даври. Ўспиринлик даври жисмоний ўсишнинг тинч даври саналади. Шу боисдан, ўсмирлардан фарқли равишда ўспиринлар фаолиятида романтик ҳис-туйғулардан кўра кўпроқ реализм муҳим ўрин тутади.

Ўспириннинг тана тузилишидаги органларнинг (қўл, оёқ, кўкрак қафаси, елка) бир-бирига мувофиқсизлиги ўспиринлик даврига келиб, аста-секин йўқола боради, уларнинг қоматлари шаклланади. Тана массаси билан юракнинг ҳажми ўртасидаги муносабатда уйғунлик, орқа умуртқа суяклари билан тананинг тузилишида мувофиқлик вужудга келади. Мускулларнинг кучи ва иш қобилияти ортади. Ички секреция безларининг фаолияти мувозанатлашади. Жинсий етилиш асосан тугайди. Баъзи ўспиринларда бундай етилиш ортда қолади. Бунга сабаб болаликда кечирган оғир касаллиги, организмнинг кучсиз, нимжон ёки дардчиллиги бўлиши мумкин. Бугунги кунда ўсмирлар ривожланишидаги (тезлашиш) туфайли ўспириннинг етилиши ҳам тезлашади ва юқорида қайд этилган ҳолат деярли кузатилмайди.

Ўспиринларда органларнинг таркиб топиши ва организм тўқималаридаги такомиллашиш ниҳоясига етади. Улар жисмоний кучли, хушбичим ва соўлом бўлганликлари туфайли тетик ва қувноқ ҳаёт кечирадилар.

Ўспиринлар мия хужайраларининг тузилишида рўй берган такомиллашиш, асаб тизими ва фаолияти мазмунининг ўзгаришига олиб келади.

Ўспирин фаолиятининг асосий тури ўқиш бўлиб қолаверади. Билимлар ҳажми кенгаяди. Улар ижтимоий муносабатлар, хусусан оила, молиявий, меъёрий, маъмурий, хўжалик, меҳнат ҳамда жиноий фаолиятлар моҳиятини теран тушунишга интила бошлайдилар. Шу сабабли мазкур ёш даврида уларга ижтимоий-маънавий билимларни бериш мақсадга мувофиқдир. Ўспирин назарий маълумотлар мазмунини таҳлил эта олиш имконига ҳам эга. Оилавий, хўжалик, олди-сотди хусусидаги муносабатларни ташкил этиш, маиший ва алоқа хизматлари, шунингдек, жамоат транспортдан фойдаланиш чоўида уларда ижтимоий билимларни эгаллашга нисбатан эҳтиёж ва қизиқиш ҳосил бўлади. Эҳтиёж ҳамда қизиқиш ўз-ўзидан ижтимоий фаолиятни ташкил этишга бўлган раўбатни юзага кетиради.

Ўспирин ижтимоий муносабатлар моҳиятини англашга, улар ҳақида чуқур мулоҳаза юргизишга интилар экан, уларда ахлоқий (маънавий) тасаввур ва идрок ҳосил бўлади. Ихтиёрий ва барқарор диққат эса, уларнинг маънавий тафаккурининг шаклланишига имкон яратади, натижада улар ижтимоий муносабатлар борасида мантиқий асосли фикр юрита бошлайдилар.

Ўспирин ёшда ўқувчилар турли ўқув фанларининг назарий ва методологик асосларини эгаллашга интиладилар, фанлараро алоқадорлик ва боўлиқлик хусусида фикр юрита бошлайдилар. Шу боис, таълим ва тарбияни ташкил этишда фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиёт ва экология асослари, меҳнат ҳамда ҳарбий таълим каби фан ва махсус курслар доирасида иқтисодий, экологик, меҳнат ва ҳарбий фаолиятларнинг маънавий асослари, оқибатлари тўўрисидаги маълумотларнинг берилиши ўспиринларда маънавий саводхонликнинг вужудга келишини таъминлайди.

Ўспиринларда шахсий фаолиятни ташкил этишда мустақилликка интилиш яққол кўзга ташланади, бу эса уларда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ўзлаштиришда ижтимоий фаоллик кўрсатиш эҳтиёжини юзага келтиради. Уларнинг ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари фаолиятидаги иштироки ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ўспиринларнинг илм-фан, сиёсат, техника, спорт, санъат олами билан боғлиқ қизиқишлари даражасини инобатга олиб оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ёритилган юқорида қайд этилган соҳаларга оид ижтимоий мазмундаги ахборот, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришда яхши самаралар беради. Ўспиринлардаги қизиқишни инобатга олган ҳолда ижтимоий мазмундаги хусусан, “Бизнес фаолиятини ташкил этишнинг маънавий асослари”, “Олдисотти муносабатларининг ахлоқий негизлари”, “Ёшлар жиноятчилиги ва унинг оқибатлари”, “XXI асрга наркотикларсиз қадам ташла!”, “Сенинг Ҳуқуқ ва бурчларинг”, “Ёшлар ижтимоий меҳнатини ташкил этиш шартлари”, “Никоҳ муқаддас битим”, “Табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий асослари”, “Терроризм – мудҳиш жиноят”, “Қонуний ҳаракат ва ҳаракатсизлик нима?” каби мавзуларда маъруза ва семинарлар ташкил этиш, мустақил равишда ижтимоий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, ноахлоқий хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари хусусида давра суҳбати, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашув ва анжуманлар ўтказиш, шунингдек, ижтимоий мавзудаги кинофильмлар намойиш этиш ўят муҳимдир.

Ўспирин ёши ўқувчилари ўзлари учун идеал танлашга интиладилар. Ушбу истакни раўбатлантириш мақсадида улар ўртасида адолат, эрк, одиллик тимсоли бўлган, элу юрт тинчлиги, ватан хавфсизлиги йўлида қурбон бўлган кишилар тўғрисидаги маълумотларни беришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўлларидаги муҳим омил бўлади. Ўз идеаллари шахсидан намуна ўзлаштириш

Ўспиринларда ижтимоий масъуллик хислатларининг шаклланишига, жамиятда эрк ва адолат, қонун устуворлигига эришиш учун кураш ўояларига содиқлик ҳиссининг уйўонишига олиб келади.

Ўспирин йигит-қизларда бир-бирларига нисбатан қизиқишнинг вужудга келиши, икки жинс орасидаги дўстлик-ўртоқлик туйғуларини шаклланишига замин ҳозирлайди. Баъзи ўспиринларнинг дўстлиги замирида Ҳақиқий севги-муҳаббат қарор топади. Шу сабабли уларда оила ва никоҳ масалаларига нисбатан жиддий муносабатни таркиб топтириш, вояга етмаганларнинг никоҳга киришлари, шунингдек, улар ўртасидаги жинсий яқинликнинг олдини олиш мақсадида улар орасида оила ва никоҳнинг маънавий асослари борасидаги тарўибот ишини кучайтириш, бу борада ўта эҳтиёткорона ёндашувни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўспиринларнинг барча интилишлари муайян мақсад билан боўланади. Уларнинг кўпчилиги яхши хулқли инсон бўлиш, ватанга, халққа хизмат қилишга интиладилар. Аммо, айрим ўспиринлар носоўлом муҳит таъсирига тушиб қоладилар, натижада улар шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўя бошлайдилар. Уларнинг характеридаги бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун тарбия ишида ўспириннинг ижобий фазилатига таяниб иш кўриш, уларга ишонч билдириш, уларни қўллаб-қувватлаш самарали натижа беради. Ўспиринларга ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини тўўри аңлатиш, уларни шахс эрки ва ҳуқуқларининг кафолатли эканлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминлаш, фуқаролик эркинликлари ўспирин учун ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олиш гарови эканлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминлаш, ахлоқий меъёрлар моҳиятини тўўри талқин этишларига эришиш мазкур ёш вакиллари ҳаётининг аянчли, фожиавий якун топмаслигига олиб келади.

Ўспирин шахсининг ривожланишида жамоа муҳим ўрин тутади. Жамоа ўспиринни ўзига жалб этар экан, унинг фикри, ўспиринга нисбатан кўрсатилаётган муносабати катта аҳамиятга эга. Шу сабабли синфдан

ташқари шароитда ташкил этилаётган ижтимоий мазмундаги тарбиявий тадбирларни жамоа иштирокида ташкил этиш, ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари кучига таяниб, ўспиринга таъсир кўрсатиш яхши натижалар беради. Шунингдек, ўспирин шахсида катта ёшдаги, тажрибали ҳамда билимдон кишилар мулоқотига интилиши каби хусусиятни инобатга олиб ана шундай кишилар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш лозим. Ҳуқуқий тадбирларни уюштиришда жамоанинг бу борадаги имкониятини ҳисобга олиш кўп фойда келтиради.

Ўспирин ўқувчилар ўртасида ижтимоий билимларни тарўиб этишда эркин мулоқот, баҳс ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки улар ўз фикрларини илгари суриш, уни ҳимоя қилиш лаёқатларини намоён этишга интиладилар. Улар ҳам ўсмирлар каби гоҳида фикрлари тўўри, асосли бўлмаса-да, унда қатъий туриб олишга уринадилар. Ушбу камчиликка барҳам бериш мақсадида синф раҳбари, ўқитувчилари томонидан ўспирин фикри, унинг позициясини диққат билан кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда ўспиринга ўз вақтида ёрдам беришга уриниш энг мақбул педагогик чора ҳисобланади.

2.1 Шахсни камол топиришда ирсият, тарбия ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлиги

Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш деганда биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланишининг қонуниятларини унга таъсир этувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолиятининг таъсири ва аҳамиятини аниқлайди ва таҳлил қилади. Шахс ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади.

Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар қуйидаги шаклда акс эттирилган.

(1 –шакл)



Ирсият - бу ота қони ёки аجدодларига хос бўлган биологик хусусият ва ўхшашликларнинг наслга (болага) ўтиш жараёнидир.

Наслдан-наслга ўтадиган хусусиятларга қуйидагилар киради:

Анатомик-физиологик тузилиш (мисол учун юз тузилиши), органлар ҳолати, қадди-қомат, асаб тузилиши хусусиятлари, тери, соч ҳамда кўзларнинг ранги. Шунингдек, нутқ, тафаккур, ихтиёрий ҳаракат ва амаллар, вертикал ҳолатда юриш, меҳнат, ижод қилиш қобилияти ва бошқа истеъдод аломатлари ҳам наслдан-наслга ўтади. Истеъдод аломатлари умумий хусусият касб этади, муайян меҳнат ва ижод турига йўналтирилган эмас. Истеъдод аломатлари муайян фаолиятга мойилликни акс эттиради ҳолос.

Маълум оилада тарбияланаётган болада аждодларига хос истеъдод нишонаси акс этганда, айнан ана шу истеъдоднинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган, унинг ривожланиши учун қулай имкониятларга эга оила муҳитини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Физиология ва психология фанлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор бир қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши учун манба бўлган лаёқат билан туўилади. Лаёқат гўё “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг “уйўониши” - ривожланиши учун қулай муҳит яратишни талаб қилади.

Шахс муайян ижтимоий жамият маҳсулидир. Шахснинг ҳаётий фаолиятида ижтимоий муҳит унга ёки ижобий, ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижтимоий жамият шахс имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин. Бу жамиятнинг маънавий қиёфаси, унда ташкил этилаётган муносабатлар мазмуни ҳамда даражасига боўлиқ.

Муҳит деганда шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам воқелик, ҳодисалар мажмуи тушунилади. “Муҳит” тушунчаси ўзида географик-худудий, ижтимоий ва микро муҳит (оила) хусусиятларини ифода этади.

Микромуҳит ўзида қисман ижтимоий муҳит қиёфасини акс эттиради. Айни чоўда у нисбатан мустақилликка эга. Микромуҳит, бу ижтимоий муҳитнинг бир қисми бўлиб, оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, кишилар ва шу кабиларни ўз ичига олади. Болани қуршаб турган муҳитда ижобий ва салбий ривожлантирувчи ва инқирозга элтувчи ҳодисалар мавжуд. Агар бола ўз туўма лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуўулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай муҳит бўлмаса йўқ бўлиши ёки “мудроқ”лигича қолиб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари одоб, ахлоқ, хулқий сифатлар, шахсинг барча рухий сифатлари факат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади.

Педагогика ва психология фанлари ижтимоий муҳит, унда шахсинг шаклланиш жараёнига таъсири ролига алоҳида эътибор беради. Ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг шахс ривожига таъсири ўоят муҳим эканлигини таъкидлаган ҳолда, улар ижтимоий муҳит абадий эмас, у ижтимоий-тарихий қонуниятлар таъсири остида ўзгариб боради, дея таъкидлайдилар.

Оила муҳити - микро муҳит ҳам ўзига хос муҳим тарбиявий таъсирга эга. Шу боис, мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган давр мобайнида оила муҳитининг шахс камолотида тутган ўрни ва аҳамияти масалалари чуқур таҳлил этилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган “Оила” илмий маркази оиланинг бу борадаги имкониятларини очиб бериш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Мавжуд ижтимоий муҳит инсоннинг ўсиб бораётган онгига таъсир этади. Ижтимоий тузум даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг шахсга нисбатан онгли таъсири ҳам шунчалик юқори бўлади. Ушбу таъсир ижтимоий жамиятдаги мавжуд тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Тарбия – бирор мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, у муайян даражадаги дастур ўоялари асосида махсус касбий тайёргарликка эга бўлган кишилар томонидан ташкил этилади.

Тарбия ижтимоий муҳит орқали келадиган тарбиявий таъсирларнинг барчаси билан боғлиқ ҳолда таъсир қилади. Бунда қулай омиллардан фойдаланилади, салбий таъсирларнинг кучини маълум даражада камайтиради. Муҳитнинг таъсири стихияли, тарбиянинг таъсири эса мақсадга мувофиқ олиб борилади.

Тарбия жараёнида қуйидаги ҳолатлар вужудга келади:

1. Тарбия жараёнида киши онгининг ўсиши содир бўлади. Масалан, бола ўз она тилини атрофини ўраб турган муҳитнинг таъсирида ўрганиб олиши мумкин. Лекин ўқиш ва ёзишни махсус таълим йўли билангина ўрганади. Маълум билим кўникма ва малакалар фақат тарбия жараёнида эгалланади.

2. Тарбия ёрдамида ҳатто, кишининг баъзи туўма камчиликларини ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. Чунончи, баъзи бир болалар айрим камчиликлар билан туўилади. (кар, кўр, соқов ва Ҳ.к). Лекин махсус ташкил этилган тарбия ёрдамида уларнинг ақлий қобилиятлари тўла тараққий қилади, туўма камчилиги бўлмаган кишилар билан баробар фаолиятда бўлиши мумкин.

3. Тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсири натижасида юз берган камчиликларни ҳам тугатиш мумкин. (болаларнинг карта қимор ўйнаши, чекиши, ичиш ва наркотик моддаларга ўрганиш кабилар ва Ҳ.к).

4. Тарбия истиқбол мақсадни белгилайди. Шу боис, у шахс камолотини таъминлашда илғор роль ўйнайди.

Тарбиянинг муваффақияти кўп жиҳатдан бола шахсининг ўзига хос хусусиятлари, у яшаётган муҳитнинг таъсирини ҳисобга олишга боғлиқдир. Шунинг ёдда тутиш керакки, бола мажбур бўлган микромуҳит мазмунини унинг ривожланишига таъсир этувчи кишилар ва улар билан ўрнатилган алоқа моҳияти белгилайди. Бола оила аъзолари, тарбиячи, ўқитувчи, ўртоқлари, оилага яқин кишилари билан муносабатда бўлади. Ушбу муносабатлар боланинг ривожлашида ўят муҳим роль ўйнайди. Болага

уларнинг таъсири ўзаро муомала-муносабати бўлади. Ана шу алоқа асосида бола аждодлар тажрибасини ўзлаштиради, ўзи учун андоза танлайди.

Бола ва катталар ўртасидаги ўзаро муносабат фаол жараёндир. Мазкур жараёнда катталар фақатгина ўргатувчи бўлиб қолмасликлари лозим. Шундагина у ўз ҳаракатларини ўзи идора қилишга, ўз фаолияти мазмунини таҳлил қилишга ўрганади. Бола фикр қилар экан, ўйлар экан, унинг онги, тафаккури ўсади.

Ижтимоий муносабатлар жараёнида нутқ ривожланади. Чунки жамиятда бола катталар, тенгдошлар, тарбиячилар ва турли жамоалар куршовида бўлар экан, у саволлар беради, кузатади, мулоҳаза қилади. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларни тушунишга, яхшини ёмондан ажратиб олишга, ўз ҳаракатларини давр талабига мослаштиришга уринади. Ҳар бир ижтимоий жамиятда тарбиянинг мақсад ва вазифалари, ахлоқ меъёрлари, маданий бойликлар, жамият аъзоларининг диди, ах-лоқий қарашлари, дунёқарашлари, эътиқодлари ўзгариб боради ва улар тарбия воситасида болалар онгига сингдирилиб борилади.

Бола шахснинг ривожланиши учун фаол кундалик фаолият зарур. Фаолият ёрдамидагина бола атроф-муҳит билан муносабатда бўлади, шу орқали унинг билиш қобилияти ривожланади, тафаккур қилиш даражаси юксалади, характер сифатлари такомиллашиб, камол топади.

2.2 Шахс камолотида ижтимоий муҳитнинг ўрни.

Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Чунки таълим жараёнида болаларга жамиятда бирга яшаш билан боғлиқ бўлган ҳолат ва ходисалар ўргатилади. Бу жараёнда ўқувчи жамиятга «киришади» ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар маълум ижтимоий тажриба (билим, кадрият, ахлоқий қоида, кўрсатма) орттирадилар, яъни, ижтимоийлашадилар.

Ижтимоийлашув узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Чунки ҳар қандай жамият ривожланиш жараёнида ижтимоий ва ахлоқий кадриятлар, идеаллар, ахлоқий меъёрлар ва қоидалар тизимини ишлаб чиқади, ҳар бир бола юқоридаги қоидаларни қабул қилиб, ўрганиб мазкур жамиятда яшаш, унинг аъзоси бўлиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун жамият у ёки бу шаклда шахсга мақсадга мувофиқ таъсир этади. Бу таъсир таълим воситасида амалга ошади. Иккинчи томондан, шахснинг шаклланишига турли ғоялар, ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади.

Одамлар ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий қоидалар билан муносабатга киришадилар ва уни ўрганадилар.

Ижтимоийлашув жараёни ички қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоийлашган инсон жамият талабларига мос келиши, унга «киришиб» кетиши, жамият ривожланишидаги салбий жиҳатларга, шахснинг индивидуал ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳаётий ҳолатларга қарши туриши керак. Лекин ҳаётда баъзан акси ҳам бўлади: тўлиқ ижтимоийлашган, жамиятга киришиб кетадиган, аммо муҳитда баъзи салбий ҳолатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатмайдиган одамлар ҳам мавжуд.

Бу ҳолат кўп жиҳатдан бутун жамият, тарбия муассасалари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарга ҳам тааллуқли. Тарбияда қарама-қаршилик инсонпарварлик ғояси ёрдамидагина бартараф этилиши мумкин.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таъкидлаб ўтилганидек, узлуксиз таълимни ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда таълимнинг ижтимоийлашувига эришиш долзарб масаладир. Таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни шакллантириш,

уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш қабилар муҳим ижтимоий талаблар ҳисобланади.

Шахс психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи муайян жамият аъзоси бўлиб, унинг шаклланиши ижтимоий муносабатлар жараёнида кечади. Мазкур жараёнда қатнашиш асосида у жамият томонидан тан олинган маънавий-ахлоқий, шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини ўзлаштиради. Жамиятнинг аъзоси сифатида унинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини таъминловчи меҳнат фаолиятини йўлга қўяди. Шунингдек, шахсий эҳтиёжлари, манфаатларини қондириш йўлида ҳам атрофдагилар билан муносабатга киришади.

Шахс ижтимоий муҳитдан узилган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Бунинг мисоли сифатида Р.Киплинг томонидан яратилган асардаги Мауглини келтириш мумкин. Гарчи, инсон боласи бўлсада, ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакалари шаклланмаганлиги боис одамлар ҳаётига мослаша олмайди.

Бола ёшлигидан ўйин, меҳнат ва ўқиш фаолиятларини тенгдошлари билан биргаликда ташкил этиш асосида ижтимоий муҳитга мослаша боради. Ижтимоий муҳит болага борлиқни англаш учунгина эмас, балки ўзлигини англаш учун ҳам имконият яратади. Боланинг доимий равишда жамоа орасида бўлиши, унинг жамоа таъсирида шаклланиши унда ижтимоий фаолликни юзага келтиради.

Шарқ мутафаккирлари жамоанинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино ижтимоий муҳитнинг шахсни шакллантиришдаги родини юқори баҳолайди. Ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг борлиқ, унда кечаётган ўзгаришлар, жараёнлар моҳиятини англашгагина эмас, балки унинг хулқида яхши ва ёмон сифатларнинг шаклланишига ҳам сезиларли таъсир этиши, шу боис болаларни тарбиялашда у мансуб бўлган микромуҳит хусусиятини инобатга

олишни таъкидлайди. Болани ёмон таъсирлардан сақлаш зарурлигини уқтиради.

Шунингдек, аллома ўқитиш самарадорлигини таъминлашда болаларга жамоа асосида билимларни беришни мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Абу Наср Форобийнинг уқтиришича, инсон блшқалар билан муносабатда бўлиш, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашларини ҳис этиш эҳтиёжига эга. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги амалий ҳаракатлар инсонни камолотга етаклайди, деб ҳисоблайди. Абу Райҳон Беруний эса шахснинг ривожланишида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, одамларга нисбатан хайрихоҳлик унинг ижтимоий муҳитдаги роли ва ўрнини белгилаб беради.

алоқаларда шахс бўлиб шаклланади. Маънавий, ижтимоий ва психик ривожланиш кишилик жамиятисиз фаолиятда бўлолмайди.

Ижтимоий муҳит, географик бирлик, мактаб, оила ва жамият шахснинг камол топиши учун таъсир этувчи ташқи ва ички шароитни узвийликда амалга оширилади.

Натижада яқин ва йироқ муҳит фарқланади. Яқин муҳитга уй шароитини, узоқ муҳитга эса ижтимоий муҳит киритилади.

Ижтимоий муҳит: ижтимоий тузум, ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, ҳаётнинг моддий шарт-шароити, ижтимоий жараёнлар оқими характерини ўз ичига қамраб олади. Ўз навбатида эса яқин муҳитга - оила, қариндошлар, ўртоқлар киради. Яқин ва йироқ муҳитнинг орасига ҳеч қачон Хитой деворини қўйиш ярамайди. Чунки ҳар қандай жамиятда яқин ва йироқ муҳит объектив ҳамда субъектив сабаблар боис боғлиқлик касб этади. Улар бири иккинчисини талаб этувчи арифметик пропорцияни талаб этади.

Шахс муайян ижтимоий тузум маҳсулидир. Унинг моҳиятини ижтимоий муносабатларнинг мажмуи ташкил этади ва у яшаётган ижтимоий жамиятдаги мавжуд тарихий шароит белгилайди. Шахснинг ҳаётининг фаолияти амалга ошадиган ижтимоий муҳит унга ёки ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижтимоий жамият шахс имкониятларини рўёбга

чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин. Бу жамиятнинг маънавий қиёфаси, унда ташкил этилаётган муносабатлар мазмуни ҳамда даражасига боғлиқ.

Муҳит деганда шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам (воқелик, ҳодисалар) мажмуи тушунилади. “Муҳит” тушунчаси ўзида географик-ҳудудий, ижтимоий ва микро муҳит (оила) хусусиятларини ифода этади.

Микромуҳит ўзида қисман ижтимоий муҳитни қиёфасини акс эттиради. Айни чоғда у нисбатан мустақилликка эга. Микромуҳит бу ижтимоий муҳитнинг бир қисми бўлиб, оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, яқин кишилар ва шу каби унсурларни ўз ичига олади. Болани қуршаб турган муҳитда ижобий ва салбий, ривожлантирувчи (прогрессив) ва инқироз этувчи ҳодисалар мавжуд. Агар бола ўз туғма лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай муҳит бўлмаса йўқ бўлиши ёки “мудроқ”лигича қолиб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари одоб, ахлоқ, хулқий сифатлар – шахснинг барча руҳий сифатлари фақат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади.

Педагогика ва психология фанлари ижтимоий муҳит, унинг шахснинг шаклланиш жараёнига таъсири ролига алоҳида эътибор беради. Ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг шахс ривожига таъсири ғоят муҳим эканлигини таъкидлаган ҳолда, улар ижтимоий муҳит абадий эмас, у ижтимоий-тарихий қонуниятлар таъсири остида ўзгариб боради, дея таъкидлайдилар.

Оила муҳити – микромуҳит ҳам ўзига хос муҳим тарбиявий таъсирга эга. Шу боис мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган давр мобайнида оила муҳитининг шахс камолотида тутган ўрни ва роли масалалари чуқур таҳлил этилмоқда.

Оила муҳити ҳамда ижтимоий муҳит ўртасида ўзаро таъсир, икки томонлама алоқа мавжуд.

Мавжуд ижтимоий муҳит инсоннинг ўсиб бораётган онгига таъсир этади, ижтимоий тузум даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг шахсга нисбатан онгли таъсири ҳам шунчалик юқори бўлади. Ушбу таъсир ижтимоий жамиятдаги мавжуд тарбия тизими орқали амалга оширилади.

2.3 Марказий осие мутаффакирлари ижодида шахс камолотини шакллантириш

IX-XV асрлар Марказий Осиё маънавий маданияти ривожига муҳим давр ҳисобланади. Шу боис файласуф, тарихчи, педагог, математик олимлар бу давр маданий-маънавий мероси ҳақида қатор илмий тадқиқот ишлари яратдилар.

Педагог олимларнинг Шарқ мутафаккирлари ижодида таълим-тарбия, шахс маънавий камолоти масалаларига баъишланган илмий тадқиқотлари педагогика фанининг ривожига муҳим ўрни бор. Лекин улар алломалар меросида олўа сурилган таълим-тарбия масалаларини ёритишда миллийлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда ёндашмадилар.

Аслида эса Марказий Осиё алломаларининг таълим-тарбияга оид қарашларида маънавий қадриятларга бўлган эътибор асосий ўринда турадики, бу бевосита инсон камолотини шакллантиришга омил бўла оладиган ҳодисадир.

Шарқ Ренессанси деб номланган IX-XV аср Марказий Осиё маънавий маданиятининг энг юксакликка кўтарилган, бой даври бўлиб, бу даврда илм-фаннинг икки йўналиши (биринчиси) инсон учун табиий фанлардирки, у ақл кўзи билан эгалланади, иккинчиси) бу фанлар инсон томонидан (бошқа) кишилардан тақлид қилиб ўрганилади, улар асосида шариат қонунлари ётади. Бу фанларнинг асосини Қуръонда ва Суннада бўлган Аллоҳ ва унинг элчисининг олдиндан белгилаб берган йўл-йўриқлари ташкил этади¹.

Бу даврда Шарқ маданиятини умуминсоний қадрият даражасига кўтариш маркази "Маъмун академияси" (IX аср, Баъдод, "Байтул ҳикма") ташкил этилди. Академия илмий ижодкорлари фаолиятида" Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари моддий ва маънавий маданиятининг қўшилиши асосида ҳозирги Марказий Осиё маданиятининг махсус бир-биридан ажратилмаган

¹ Избранные произведения мыслители стран Ближней и Среднего Востока. М. Соцгиз, 1961. С. 622.

кўп киррали қоришиқ тури вужудга келди². Бундай кўп киррали илмий кадриятларнинг майдонга келишида ватандошларимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850), Аҳмад ал-Фарўоний (247-861), Аҳмад ибн Абдуллох ал - Марвазий (IX аср), Абу Наср Форобий (870-950), Абу Али Ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (975-1050) ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлган.

Демак, бу давр ўзининг ҳар томонлама юксаклиги, яратган бой маданий мероси, миллий кадриятлари, жаҳонга машҳур алломаларнинг етишиб чиққанлиги билан қимматлидир. Шарқ мутафаккирларининг маънавий маданият соҳасига қўшган улушлари ниҳоятда бой бўлиб, мазмунан кадриятларнинг барча йўналишларини қамраб олганлиги билан характерлидир. Улар:

- ақлий маданиятни шакллантириш билан боўланган кадриятлар;
- маънавий-руҳий кадриятлар;
- ижтимоий-сиёсий кадриятлар;
- бадий-нафис кадриятлар;
- диний кадриятлар тарзида ўз ифлодасини топган.

Инсон ахлоқи ақлга, хулқ ва хатти-ҳаракати эса илм-фанни ўрганишга ва маърифатга асослангандагина маънавий камолотга эришади. Мутафаккир алломаларнинг фикрича, инсонпарварлик ўояларининг амалга ошиши, маънавий баркамолликка эришув чуқур билим олиш ва маърифатли бўлишга боўлиқ. Шунинг учун ҳам улар илмлиликни умуминсоний кадрият даражасида улуўлайдилар, жамиятнинг барча аъзоларини илм эгаллашга чақирадилар, илмнинг инсон маънавий ҳаётда тутган ўрнини юқори баҳолайдилар.

² Т и л л а ш е в Х. Х. Общее педагогические и дидактические идеи ученых энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. Ташкент. Фан, 1989. С. 10.

Фаробий педагогик қарашларини, таълим-тарбия ҳақидаги таълимотини ўрганишда инсон хислатлари тўғрисидаги фалсафий фикрлари ниҳоят муҳим аҳамият касб этади. Фаробий ўзининг фалсафий қарашларида одамнинг тузилишини, руҳиятини, моддий ва маънавий оламини ўрганишга аҳамият беради.

Фаробий таълимотига, инсон барча бошқа жисмларда бўлмаган қобилият ва кучга-руҳий қувватга-ақл ва сўзлаш қобилиятига эга, бу куч уни табиатдаги бошқа жисмлардан ажратиб туради ва унинг устидан ҳоким бўлиш имкониятини берганлиги намоён бўлади.

Фаробий бу дунёқарашида нараса ҳодисаларни билиш, инсон ақлини билим билан бойитиш уни илмни, маърифатли қилиш учун хизмат қилувчи руҳий жараёнларга алоҳида эътибор беради.

Фаробий ўзининг "Бахт-саодатга эришув ҳақида", "Фанларнинг таснифи", "Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида", "Илмлар ва санъатлар фазилати" каби кўплаб рисоаларида инсоннинг маънавий ривожланиши илм-маърифатга боғлиқлигини таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний билим умуминсоний қадриятларни ўрганишнинг калити эканлигини алоҳида таъкидлайди. Илм-маърифатли одам жамият тақдири, инсонлар тақдири учун курашувчан, барча ёмонликлардан узоқдир. "Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир".

Умуман, Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг буюк ҳомийси ва мухлиси сифатида мамлакатнинг ободончилиги илм-фаннинг гуллашида, одамнинг бахти эса унинг билим ва маърифатида деб билди. Яратган асарларида у таълим-тарбияга доир шеър ва ҳикматлардан мисоллар келтириб, улар орқали ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига кўра хайр-эзгуликка интилиши, сунъий обрў, шуҳрат қозониш учун мурувват ва шарофат кўрсатмаслиги кераклигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний ва нафосат тарбиясига доир фикрлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. У инсонни улуғлайди. Унинг фикрича, инсоннинг улуғлиги ақл-идроқи, сўзлаш қобилияти, билими, укуви, ҳунарга эғалигидадир.

Адиб ўқув ва билимни фарқлайди: ўқув туғма равишда инсон руҳиятида мавжуддир, билим эса ўқиш-ўрганиш ва меҳнат туфайли эгалланади. Агар уларнинг ҳар иккиси ўзаро бирлашса, инсоннинг кадри ортади:

Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,

Билим кимда бўлса, буюклик олади.

Заковатли уқади, билимли билади,

Билимли, заковатли тилакка етади.

Юсуф Хос Ҳожиб таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқ ҳолда бўлишини тавсия этади, ўғил болаларнинг бир неча санъат турларини ва ҳунарларни тугал ўрганмоғи лозимлигини таъкидлайди, бу-уларнинг келажак ҳаётлари, жамият ривожини учун зарурлигини айтади.

Аллома фарзандларга турли билим ва ҳунарлар ўргатилмоғи кераклигини айтиб, уларни гўзал ахлоқли қилиб, вояга етказишни ота-оналарга маслаҳат беради:

Худо кимга заковат, ақл, билим берса,

У барча орзуларга қўл узатади.

Кимнинг хулқи яхши, феъл-атвори тўғри бўлса,

У тилагини топади, кун ва ой унга боқади.

Яхши феъл-атвор барча эзгуликларга моядир, хулқ-атвор барчаси яхши бўлса, минг-минг севинч бўлади.

Умуман, Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадўу билиг" достонида тил одоби, ростгўйлик, поклик, камтарлик севги ва вафо, мурувват, сабр-тоқат каби фазилатлар хусусида қилган Ҳикматли панду насихатлари билан кишиларни, ёшларни ҳар бир ишда ақл-идрокли, ўзгаларга ғамхўр ва мушфиқ бўлиши ҳар бир ишни ўз ўрни ва ўз вақтида адо этишга даъват этади. Бир сўз билан айтганда бугунги давр талабига ҳамоҳанг равишда инсонни комилликка ҳидоят қилади.

Абу Али ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий-педагогик асосида ёритиб беришга ҳаракат қилади. У айниқса, оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: "Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбиялаши керак", деб маслаҳат беради.

Ал-Хоразмий эса инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати мантиқий фикрлашга асослангандагина мукамал шаклланиши мумкин, деган ғояни илгари суради.

Алишер Навоий наздида таъма аралашган яхшилик ҳикмат, ҳиммат инсоннинг маънавий ҳиссиётига салбий таъсир этувчи ҳолатдир. Таъмасиз яхшилик қилиш бу саҳийликдир. Одамгарчиликнинг энг юксак белгиси саҳийлик ва ҳимматдир. Юксак инсонийликнинг ўлчови бу виждон ҳисобланади. Шу боисдан, Шарқ мутафаккирлари виждон поклиги, оила, ота-она, халқ, фарзанд бурчи ҳақида олўа сурилган ўояларнинг асосини инсонпарварлик ташкил этади.

Чунончи, ота-она фарзандларнинг ўзаро муносабати, бурчи маънавий қадриятларнинг олтин калитидир. Алишер Навоий бу ҳақда қуйидагича фикрлайди:

"Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингга тиларсан фазо-
Ҳосил эт ушбу иккисидан ризо.
Тун-кунингга айлагали нур фош,
Бирини ой англа, бирисин куёш.
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари".

Шарқ мутафаккирлари дидактик характердаги илмий асарларида маънавий маданиятни шакллантиришнинг шакл, усул ва воситаларини қоришиқ ҳолда баён этдилар. Чунки ўрта аср педагогик фикрлар назарияси ва амалиёти тарбиянинг лисоний шакл ва усулларига таянган. Таълим-тарбия беришнинг воситаси эса амалиёт бўлиб ҳисобланган эди. Бу қоида айниқса, Ибн Синонинг тиббий рисоаларида, уржузаларида, "Донишнома" асарида, Кайковуснинг "Қобуснома", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Саъдийнинг "Гулистон", "Бўстон", Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Маҳбуб ул-қулуб" асарларига бевосита тааллуқлидир.

Мутафаккир олимлар юксак маънавий фазилатларни умуминсоний қадриятлар доирасида талқин этдилар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида маънавий омилларни юксак баҳоладилар. Улар "Фозил жамоа", "Фозил шаҳар", комил инсонни шакллантиришнинг асоси маънавий омилларга боғлиқ деган ғояни илгари сурдилар.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнида ўтмиш меросимиз Шарқ алломаларининг бебаҳо асарларидан тўғри фойдалана олиш, нафақат миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизни юксалтиради, балки комил инсон шахсини шакллантиришда ҳам муҳим ҳисса қўшади. Чунки инсон ҳаёти давомида қадрланиб, ривожлантирилиб келаётган назарий ва амалий сайқал топган яхшилик, адолат, дўстлик, тинчлик, тенглик, эркинлик,

инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ота-она, кексаларга ҳурмат, иймон, эътиқод, устоз ва шогирд ва бошқа умуминсоний фазилатлар кейинчалик миллий қадриятларнинг асосий таркибий қисмларига айланиб қолган.

ХУЛОСА

Эътироф этиш лозимки, ҳар қандай ҷамиятнинг тараққиёти ва фуқаролик ҷамиятини барпо қилишда ижтимоий муҳит муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий муҳитнинг асосий функцияларидан бири – шахснинг хатти-ҳаракати, унинг тараққиётига таъсир этувчи ташқи объектив омиллар мажмуаси ҳамда муайян тизим бўлиб, у ўзида шахс имкониятларини шакллантиради, ҳаётга жорий этади. Натижада ҳар бир инсон ҷамият ҳаёти билан бевосита алоқадорлигидаги аниқ ижтимоий фаолият ва мулоқот майдонини намоён қилади. Чунки, у инсон хатти-ҳаракати, юриш-туришини шакллантиради ва бойитади. Мамлакатимиз мустақиллигининг муҳим вазифаларидан бири ҳам ҷамиятнинг барқарор ривожланиши ҳамда соғлом турмуш тарзини таъминлашдир.

Ҷамиятни соғломлаштириш ва соғлом ижтимоий муҳитни қарор топтириш энг долзарб, объектив зарурий омиллардан бири эканлигини Юртбошимиз И.А.Каримов алоҳида эътироф этганлар: Азизларим, Аллоҳ таоло берган соғлигимизни асрайлик, чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади, - деб таъкидлайди.

Шу боис, ижтимоий муҳит ҷамият цивилизациясининг такомиллашувида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, инсоннинг тарбиясида фавқулотдаги вазиятларнинг ўрни биз ўйлаганимиздан ҳам бирмунча аҳамиятлироқдир. Жумладан:

- кишиларнинг ақлий салоҳияти ва характери улар яшаб турган бошқарув шаклига қараб ўзгариб боради;
- инсонлар қандайдир кўникмалар билан дунёга келмайдилар, улар бор-йўғи тарбия маҳсулидир;
- ҳар қандай ижтимоий ўзгаришлар шу ҷамиятда яшаб турган инсонларнинг характериға ҳам таъсир этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, ҷамият ижтимоий муҳитига валеологик ёндошув лозим;

- ижтимоий муҳитнинг жамият цивилизациясининг такомиллашувига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш, бу тадқиқотларда жамиятнинг умумбашарий масмалалари билан бирга миллий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш керак;
- жамият цивилизациясида ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш учун маънавий-ахлоқий, маърифий-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш зарур;
- жамиятимиз фуқароларининг эркин фикрлаш, воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабат ва баҳслашувини шакллантириш, пухта методик воситалар билан қуроллантириш;
- маънавий-маърифий, ахлоқий, мафкуравий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини бошқариш мақсадида ёшлар ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- устоз ва шогирд дастурини амалиётга кенгроқ жорий этиш бўйича кекса авлод ва ёшлар ўртасида соғлом, очиқ мулоқот муҳитини шакллантириш (телекўрсатувлар, ОЎМТ масканларида дебатлар, учрашувлар, маҳаллаларда оталар мактаби фаолиятларини кучайтириш);
- ёшларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун уларга касб-корларини ўзлари эркин танлаш имкониятларини кенгайтириш, профессионал ўсишига ёрдам бериш. Иш ва ўқиш билан бандлигини таъминлаш, бўш вақтдан унумли фойдаланишга эътибор бериш. Жойларда бепул ўқув курслари, тил ўрганиш марказлари жорий этиш ва олиб борилаётган ишларини назорат қилиш;
- нодавлат, ношароит ташкилотлар ҳамда жамоат ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- оммавий ахборот воситаларининг ёшларга бағишланган тадбирлари мазмунини миллий анъана ва жаҳон цивилизацияси билан уйғун ҳолда бойитиш;
- интернет тармоқлари орқали интеллектуал кутубхоналарда фойдаланиш ишларини йўлга қўйиш. Ёшлар онги ва тарбиясига салбий таъсир этиши

мумкин бўлган айрим жангари ва порнографик сайтлар устидан назорат олиб бориш, уларга тушунтириш ишларини янада такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мустақил Ўзбекистон шароитида соғлом фикрли, ахлоқ, ахлоқан пок авлодга эришиш ва шу орқали жамиятимиз қудратини янада мустаҳкамлашда ижтимоий муҳитнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Зеро соғлом, интеллектуал бақувват, авлодгина соғлом миллат – соғлом жамият қуради ва соғлом турмуш тарзига эришади.

Фойдаланилган адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафотлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: Шарқ, 1997.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий ўз истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Тошкент, 2000.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент, 1992.

10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

11. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Тошкент. 2008

12. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил.

13. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.

14. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. Тошкент: Ёш гвардия, 1973.

15. Бобоев Ҳ, Гофуров З, Исломов З. Миллий истиқлол мафкуриси ва тараққиёт. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

16. Баратов Н, Алиқулов Х. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Тошкент: Ўзбекистон, 1974.
17. Бозоров О, Шодиев Д. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. Самарқанд: Зарафшон, 1992.
18. Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, 1992.
19. Ватан ва миллат муқаддасдир. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
20. Вафоев О. Маънавият тараққиёт омили Мулоқот 2-сон. 1996.
21. Жумабоев Й. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. Тошкент: Фан, 1997.
22. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
23. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент, 1996.
24. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, 1993.
25. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент, 1994.
26. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, 1983.
27. Нишоналиева У. Турсунов И. Педагогика курси. Тошкент, 1996.
28. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
29. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. Тошкент, 1994.
30. Педагогика Т.А.Ильина таҳрири остида қўлланма. М. 1984.
31. Педагогика Н.Ўайбуллаев ва бошқаларнинг маърузалар матни. Тошкент, 2001.
32. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. Т – 1979 йил.
33. Ўзбек педагогикаси тарихи Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. Тошкент, 1997.

34. Ўрта Осиёда педагогик фикр таракқиётдан лавҳалар Тузувчилар: А.Зуннунов ва бошқалар Тошкент: Фан, 1996.
35. Р.Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
36. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари. Тошкент, 1997.
37. Юсупов Э Ёшларнинг маънавий камолоти. Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
38. Юсупов Э. Маънавият асослари. Тошкент, 1998.
39. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш .Тузувчилар Ж.Ғозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов) Тошкент: Шарк, 2000.
40. Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. Тошкент, 1998.